

ГЕНДЕР КОНЦЕПЦИЯЛАРИНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНИ (АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ МИСОЛИДА)



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2026-20-183-186>

Вахидов Авазбек Аширралиевич

Тошкент давлат шарқшунослик университети,
Шарқ халқлари тиллари ва адабиёти институти,
Эронишунослик ва афғонишунослик олий мактаби доценти,
филология фанлари номзоди

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола ўрта аср шарқ адабий-тасаввуфий меросининг глобал гуманитар тадқиқотлар контекстидаги долзарблигини эътиборга олган ҳолда, Алишер Навоий ижодида гендер муносабатларининг концептуаллашув жиҳатларини филологик таҳлил қилишга бағишланган. Тадқиқотнинг методологик асосини гендер тадқиқотлари, тасаввуфишунослик ва матншуносликнинг интегратив ўзаро таъсири таъкил этади. Муаллиф “Хамса” дostonларидаги аёл образларининг семантика-символогик майдонини, шунингдек, “Насойим ул-муҳаббат” аsаридаги аёл авлиёлар таржимаи ҳолларининг гендер тенглик дискурсини шакллантиришдаги ролини ўрганиш орқали, Алишер Навоийнинг инновацион ёндашуви – аёл шахсини маънавий йўлбошчи ва эпистемологик субъект сифатида кўришини исботлайди. Натижалар шунини кўрсатадики, Алишер Навоийнинг гендер концепцияси жинсий бинарликни инкор қилмайди, балки уни маънавий камолот категорияси томонидан трансцендентлаштиради.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, тасаввуф, гендер концепцияси, маънавий тенглик, филологик таҳлил, “Хамса”, аёл образлари, матншунослик, гендер дискурси.

АННОТАЦИЯ

Настоящая статья посвящена филологическому анализу концептуализации гендерных отношений в творчестве Алишера Навои с учётом актуальности средневекового восточного духовно-литературного наследия в контексте глобальных гуманитарных исследований. Методологическую основу исследования составляет интегративное взаимодействие гендерных исследований, суфизма и текстологии. Посредством изучения семантико-символического поля женских образов в поэмах «Хамса», а также роли жизнеописаний женщин-святых в трактате «Насойим ул-муҳаббат» в формировании дискурса гендерного равенства, автор доказывает инновационный подход Алишера Навои — восприятие женской личности как духовного наставника и эпистемологического субъекта. Результаты демонстрируют, что гендерная концепция Навои не отрицает бинарность полов, но трансцендирует её посредством категории духовного совершенства.

Ключевые слова: Алишер Навои, суфизм, гендерная концепция, духовное равенство, филологический анализ, «Хамса», женские образы, текстология, гендерный дискурс.

ABSTRACT

This article presents a philological analysis of the conceptualization of gender relations in the works of Alisher Navai, considering the relevance of medieval Eastern spiritual and literary heritage in the context of global humanities research. The methodological basis of the study is the integrative interaction of gender studies, Sufism, and textology. By examining the semantic-symbolic field of female images in the “Khamisa” poems, as well as the role of biographies of

female saints in the treatise “Nasoim ul-muhabbat” in shaping the discourse of gender equality, the author proves Alisher Navai's innovative approach — perceiving the female personality as a spiritual guide (“mohira”) and an epistemological subject. The results demonstrate that Navoi's gender concept does not deny sexual binarity but transcends it through the category of spiritual perfection.

Keywords: Alisher Navai, Sufism, gender concept, spiritual equality, philological analysis, “Khamsa”, female images, textology, gender discourse.

КИРИШ

Алишер Навоий ижоди кўплаб филологик тадқиқотлар объекти бўлганига қарамай, унинг мероси янги илмий парадигмалар – айниқса, гендер тадқиқотлари ва когнитив адабиётшунослик нуқтаи назаридан қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда. XXI аср гуманитаристикасининг муаммоси инсон табиатининг бинар (эркак-аёл) таснифини тарихий матнлар таҳлилида енгиб ўтиш эмас, балки ушбу таснифнинг ўзини маданият ва дискурс доирасида қандай маъно меъёрлаштиришини аниқлашдир. Ушбу мақоланинг илмий мақсади – Алишер Навоийнинг тасаввуфий асарларини гендер категориясининг тарихий-филологик конфигурацияси сифатида таҳлил қилиш, яъни матннинг ички тилида гендер тенглик идеали фақат ахлоқий тамойил сифатида эмас, балки унинг поэтикасининг структурал элементи сифатида қандай амалга оширилишини аниқлашдир. Тадқиқотнинг методологик лойиҳаси тасаввуфнинг “зоҳир” ва “ботин” тафовутига асосланган ҳолда матннинг грамматик-стилистик қатламини (“зоҳир”) ундаги гендер концепциясининг маънавий-фалсафий конструкцияси (“ботин”) билан диалектик муносабатда тадқиқ этишдан иборат.

1. Назарий асос: тасаввуф доктринасидаги “инсони комил” ва гендернинг трансцендентлашуви. Тасаввуфнинг метафизик асосида жинс категориясининг имманент мақоми рад этилиб, инсон қадри унинг “вахдат” (ягоналик) тажрибасига интилиши билан ўлчанади. Аммо бу интилиш адабий матнда муайян тил воситалари – семантик майдонлар, символлар ва метафоралар орқали ифодаланади. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида 770 таржимаи ҳол ичида “Эркаклар мартабасига етган ориф аёллар зикри” бобини ажратиб, Рабия ал-Адавия, Фотима Нишопурий каби 34 аёл авлиёнинг “аҳвол” ва “мақомот”ларини батафсил тавсифлаган аёл авлиёларга бағишлаган ва ҳамда уларнинг ҳаёт йўллари қаҳрамонлик дея баҳолайди. Аёлларнинг билим даражаси, шунингдек уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни эркаларникидан кам эмаслиги, хатто тенг, баъзида эса афзаллигини таъкидлайди[4,478]. Бу ерда биз гендер тенгликнинг фақат норматив тасдиғини эмас, балки унинг амалий тасвири – аёл зотнинг руҳий салтанати (“вилаят”) мисоллари орқали объектлашувини кўрамиз. Демак, Алишер Навоий учун тенглик концепцияси тарихий-агиографик манбаларни танлаш ва уларни маъно-символик контекстга жойлаштириш орқали ишланган.

2. “Хамса” дostonларида аёл образларининг семантик трансформацияси ва маънавий субъектлик мақоми. Алишер Навоийнинг

эпик асаридаги гендер инновацияни “образли концептлар” сифатида таҳлил қилиш тўғри бўлади. “Фарҳод ва Ширин”да Ширин образининг анъанавий “маъшуқа” чегарасидан чиқиши нафақат унинг сиёсий ақл-заковити билан, балки “фаришта жисмли киши” иборасида кўриниб турадиган метафизик сифати билан амалга ошади[1,8]. Ушбу ибора Ширинни фақат кўз қувончи объекти эмас, балки Фарҳодга руҳий садоқатлилиқ (“ихлос”) мезони сифатида кўриш имконини беради. “Лайли ва Мажнун” достонида эса гендер ролларининг инверсияси юзага келади: анъавий жамиятда “бадахрий” деб хукм қилинган Лайли, Алишер Навоийнинг “доҳий” (донишманд) эпитети билан тавсифланиши орқали Мажнуннинг “маст” (маҳлиё) ҳолига қарама-қарши тутган маънавий собитлик (“исобат”) марказига айланади[2,294]. Энг мураккаб семантик трансформация “Хайрат ул-Аброр”даги Зулайҳо образида кузатилади. Анъанавий (қиссавий) матн Зулайҳони гуноҳкорлик символ сифатида тавсифласа, Алишер Навоий унинг тарбия (“тазкия”) жараёнида Юсуф пайғамбар томонидан нафақат афв этилган, балки “дилкаш эгаси” сифатида тан олинган маънавий ҳамроҳ сифатида кўрсатади[3, 124]. Бу ерда эркак (Юсуф) аёл (Зулайҳо) учун нафақат объект, балки субъект-йўлбошчи (“пир”) вазифасини ўтайди, яъни гендер роллари иеррархияси эмас, балки функционал алмашинув (“инверсия”) принципи амал қилади.

3. “Моҳира” метафораси ва гендер концепциясининг поэтик асоси.

Алишер Навоийнинг гендер тенглик концепцияси поэтик меъёри унинг луғат-услубий хусусияти – “моҳира” (оймонанд) метафорасида жамланган. Ушбу астрономик-мифологик образ аёлнинг иродаси ва ақлини эмас, балки унинг ёритувчи (“нур”) ва йўл кўрсатувчи (“роҳнамо”) хусусиятини таъкидлайди, яъни аёл шахсини эпистемологик (билиш) манбаи сифатида кўришни тақозо этади. Алишер Навоий аёл образларининг маънавий фаоллик диапазонини кенгайтириш билан бирга уларнинг тарбиявий-йўлбошчилиқ функционалини (Зулайҳо-Юсуф муносабатидаги каби) жорий қилади, бу эса ўрта аср шарқ эпоси учун радикал қадамдир[3,124-125].

Хулоса.

Алишер Навоийнинг тасаввуфий асарларидаги гендер тенглик концепциясини таҳлил қилиш натижасида ушбу хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Алишер Навоий учун гендер тенглик ахлоқий тамойил эмас, балки тасаввуфнинг метафизик таълимоти – “вахдат”га интилишг тартибидир.

2. Ушбу концепция адабий матннинг ички тилида: а) тарихий-агиографик манбаларни (аёл авлиёлар) лойиҳалаш; б) эпик образларнинг семантикасини трансформация қилиш (Ширин, Лайли, Зулайҳо); в) марказий метафора (“моҳира”) орқали амалга оширилади.

3. Алишер Навоийнинг гендер ёндашуви анъанага нисбатан инновациондир, чунки у аёл шахсини фақат маъшуқа ёхуд донишманд эмас, балки маънавий йўлбошчи (“пир”, “моҳира”) ва эпистемологик субъект сифатида кўради.

Демак, Алишер Навоий ижодида гендер муносабатларининг модели жинсий бинарлигини ташкиллаштириш эмас, балки уни юқори маънавий категория – камолот (“такмил”) тарафга трансцендентлаштириш устун туради. Ушбу натижалар Алишер Навоий меросини гендер ва тасаввуфшунослик нуқтаи назаридан янги тадқиқотлар – айниқса, унинг наср ва назмининг дискурсив таҳлили, шунингдек, XV аср Ҳирот маданият муҳитидаги гендер дискурсининг социолингвистик тадқиқи учун кенг имкониятларни очиб беради. Келажакдаги тадқиқотлар учун Алишер Навоийнинг гендер концепциясини замонавий феминистик тафсир ва ислом феминизми назарияси билан қиёсий ўрганиш илмий самарадорликка эга бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 8-жилд: Хамса: Фарҳод ва Ширин. – Тошкент: “Фан”, 1991. –595 б.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 9-жилд: Хамса: Лайли ва Мажнун. – Тошкент: “Фан”, 1992. –377 б.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 16-жилд: Муҳокамат ул-луғатайн. Мезон ул-авзон. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулки аҷам. Арбаъин. Сирож ул муслимин. Муножот. Рисолаи тир андохтан. – Тошкент: “Фан”, 2000. –329 б.
4. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 17-жилд: Насойимул муҳаббат. – Тошкент: “Фан”, 2001. –534 б.
5. Баёзова М.А. Суфизмдаги аёл образлари: филологик таҳлил. – Тошкент: “Фан”, 2018. –160 б.
6. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. -524 с.
7. Камалов М. З. Суфийские практики и особые предписания для женщин / М. З. Камалов // Исламоведение. – 2014. – Т. 5, № 3. – С. 52–59.
8. Чепелева А. В. Особенности мистического опыта в женских суфийских практиках / А. В. Чепелева // Религиоведение. – 2011. – № 1. – С. 84–91.
9. جواد نوربخش. زنان صوفی. تهران: انتشارات خانقاه نعمت‌اللهی، ۱۳۵۲
10. دکتر سید جعفر سجادی. فرهنگ اصطلاحات و تعبیرات عرفانی. تهران: طهوری، ۱۳۷۰
11. نفحات الانس من حضرات القدس. تالیف عبد الرحمان جامی. . تهران: اطلاعات، ۱۳۷۰
12. Schimmel, Annemarie. My Soul is a Woman: The Feminine in Islam. Translated by Susan H. Ray. –New York: Continuum, 1997. — 192 p.
13. Helminski, Camille Adams. Women of Sufism: A Hidden Treasure: Writings and Stories of Mystic Poets, Scholars & Saints. –Boston & London: Shambhala Publications, 2003. -336 p.
14. Ahmed, Leila. Women and Gender in Islam: Historical Roots of a Modern Debate. –New Haven & London: Yale University Press, 1992 -296 p.